

ADOLAT

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

adolat24.uz/
t.me/Gazeta_Adolat

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIIY MAJLISI
GONUNCHILIK PALATASI VA MAHALLIIY
KENGASHLAR DEPUTATLARI SAYLOVIGA

57

KUN QOLDI



31 август – Қатагон қурбонларини ёд этиш куни



...Жадидларнинг “Нажот” газетаси 21 май сонидан: “Андижон. 11 май куни мардикорлар ўз ватанларига соғ-саломат етиб келдилар, сўнгра улар қувноқ кайфиятда қўллариди байроқлар билан шаҳарни айланиб чиққанлар. А.Ўрозалиев раҳбарлигида мардикорлар намойиш ва митинглар ўтказишган”.

...Акбар Ўрозалиев жазо муддатини ўтаётганда маҳбуслар орасида аксилнқилобий тарғибот олиб борган, лагерда меҳнат интизомини издан чиқаришга қаратилган фаолият кўрсатган, маҳбусларни ишга чиқмасликка чақирган. Унинг аксилнқилобий фаолияти натижасида ишдан бўйин товловчилар сафи кўпайиб борган... НКВД “учлиги” Акбар Ўрозалиевни отувега ҳукм қилишга қарор қилган. Унга тегишли мулк мусодара қилиниб, ҳукм дарҳол ижро этилган. Шунда у эндигина 47 ёшга кирган эди.



“СИЁСИЙ КУЧЛАР САФИДА РАҲБАР АЁЛЛАР КЎПАЙИШИ ТАРАФДОРИМАН”

Ўзбекистон “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши раиси Робахон МАХМУДОВАнинг мухбиримиз билан суҳбати

– Ҳурматли Робахон Анваровна, мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим сиёсий воқелик – парламент ва маҳаллий Кенгашларига сайлов бўлиб ўтадиган кун тобора яқинлашиб келмоқда. Албатта, сайлов – демократия кўзгуси бўлиши билан бир қаторда, юртимизда фаолият олиб бораётган сиёсий кучлар учун жиддий синов, партиянинг халқ олдидаги ҳисоботи ва келгуси беш йиллик режалари бўйича ўзига хос баёноти ҳамдир. Хўш, ўтган беш йилликда “Адолат” партияси Сайловолди дастурида белгиланган мақсадла-

рига эришиб, кўзлаган режаларини бажара олдимми? Бир сўз билдан айтганда, партия сайловчилар ишончини оқладимми?

– Аввало, фурсатдан фойдаланиб, бутун Ўзбекистон халқини тобора яқинлашиб келаётган энг улғу, энг азиз байрамимиз – Мустақиллик куни билан чин дилдан муборакбод этаман! “Бир бўлсак – ягона халқмиз, бирлашсак – Ватанмиз!” деган бош ғоя остида кенг тантана қилинаётган давлатимиз мустақиллигининг 33 йиллиги барчамизга қутлуғ бўлсин!

23

Фахрнома

ДИЁРИМИЗ ДОВРУҒИНИ ДУНЁГА ТАРАТГАН ЧЕМПИОНЛАР!

XXXIII ёзги Олимпия ўйинлари голиб ва совриндорлари тақдирланди



6

“СИЁСИЙ КУЧЛАР САФИДА РАҲБАР

1 Албатта, Истиқлол шарофатини, Истиқлол саодатини сўз билан ифодалаб бериш мумкин. Биз эркинликка эришганимизга эндигина 33 йил тўлмоқда. Тарих учун киприк қоққунчаллик қисқа бўлган ушбу фурсат ичида она-Ватанимизда мисли кўрилмаган ўзгаришлар юз берди. Айниқса, иқтисодий, инсон ҳуқуқлари, одил судлов, ижтимоий ҳимоя соҳаларида амалга оширилган ислохотлар партияимиз томонидан илгари суриб келинадиган гоёларга ҳамроҳ эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Бу борада янги таҳрирдаги Конституцияимизда “Ўзбекистон – ҳуқуқий давлат”, деб эълон қилиниши биз учун муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Мустақиллик ҳосилалари мамлакатимизда сиёсий партиялар учун аҳоли манфаати, ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг тақлиф ва муаммолари билан тизимли ишлашда янги алоҳида амалларга таяниш, муҳим ташаббус ва гоёларни илгари суриш имкониятини яратди. 1995 йилнинг февраль ойидан бери самарали фаолият юритиб келаётган бизнинг партияимиз ҳам том маънода Истиқлол неъматидир.

Шундай ҳаяжонли, қувончли кунларда она халқимизга қарата яна бир бор мустақиллигимиз абадий, юртимиз тинч, осмонимиз ҳамisha мусаффо бўлсин, дейман!

Энди саволингизга келсак.

Тўғри айтасиз. Сиёсий партиялар учун ғалвир сувдан кўтариладиган паллалар яқинлашмоқда. “Адолат” СДП томонидан 2020-2024 йиллар давомида партиянинг “Асосий тамойилимиз – адолат ҳамма ерда ва ҳар бир инсон учун! Қонун ва адолат устуворлигига эришиш – ҳаракатларимиз мезонидир!” каби халқчил социал-демократик гоёлар асосида Сайловдаги дастурида илгари сурилган давлат бошқаруви, суд-ҳуқуқ, қонун устуворлигини таъминлаш, ижтимоий соҳалар, экология, ташқи сиёсат йўналишларидаги 200 дан ортиқ ташаббусларнинг жуда катта қисми мамлакат ва жаҳият ҳаётига тадбиқ этилди.

Албатта, ҳозир уларни бирма-бир санашга ўтсак, суҳбатимиз узок давом этиши мумкин. Шу боисдан амалга оширилган ишларимизнинг айримларинигина қайд этиб ўтиш билан кифояланаман.

Партиянинг социал-демократларга хос тарзда жаҳиятда адолатни қарор топтириш мақсадида суд тизимини комплекс ривожлантириш, судларнинг мавқеини ошириш, судьяларнинг дахлсизлигини таъминлаш вазифаси ижроси доирасида партия ташаббуси билан янги таҳрирдаги Конституциянинг 136-моддасига судьялар дахлсиз-

лигига оид алоҳида норма киритилди.

Мазкур норма билан, аввало, судьяларнинг мустақиллиги ва уларнинг дахлсизлиги конституциявий даражада мустаҳкамланди, судьянинг ваколатлари қонунда белгиланган тартибдан ҳамда асослардан бошқача тарзда тугатилиши ёки тўхтатиб турилиши мумкин эмаслиги кафолатлаб қўйилди.

Бундан ташқари, партиянинг умумий юрисдикция судларини ташкил қилиш ҳақидаги ташаббуси асосида вилоят ва унга тенглаштирилган фуқаролик ишлари бўйича, жиноят ишлари бўйича судлар ва иқтисодий судлар негизда судьяларнинг қатъий ихтисослашувини сақлаб қолган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар умумюрисдикция судлари ташкил этилди.

Ушбу йўналишдаги яна бир партияимиз ташаббуси, бу – адвокатларнинг мақомини янада кўтариш юзасидан дастуриимизда белгиланган вазифа ижроси бўйича янги таҳрирдаги Конституцияга “Адвокатура” номи алоҳида боб киритилди. Олий ҳужжатда адвокат, унинг шаъни, кадр-қиммати ва касбий фаолияти давлат ҳимоясида бўлиши ва қонун билан муҳофаза қилиниши мустаҳкамлаб қўйилди.

Шу билан бирга, партия дастурида илгари сурилган олий таълим муассасаларини бошқичма-бошқич ўзини-ўзи молиялаштириш тартибига ўтказиш ташаббуси ҳам амалиётга жорий этилди. Бугунги кунда 40 дан ортиқ ОТМ ўзини-ўзи молиялаштириш тизимига ўтказилди.

Маълумки, сиёсий партиянинг мақсад ва вазифаларини рўйбга чиқаришда мазкур сиёсий кучнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси муҳим ўрин тутди. “Адолат” СДПнинг Қонунчилик палатасидаги фракцияси томонидан ҳам ўтган беш йилликда қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи доирасида партия электорати ва халқимиз манфаатларига хизмат қиладиган 450 дан ортиқ қонун лойиҳалари кўриб чиқилиб, 30 та қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Шунингдек, фракция аъзолари томонидан фуқаролар муносабатлари асосида аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли давлат органларига 107 та депутатлик сўровлари юборилди.

Биргина мисол. Ёшларимизнинг олий таълим олиш имкониятини янада кенгайтириш, икки ва ундан ортиқ фарзандлари олий таълимда ўқиётган оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида фракция ташаббуси билан Бош вазирга олий таълим муассасаларида контракт



асосида таҳсил олаётган талабаларга тўлов пулларини бўлиб тўлаш бўйича сўров юборилган эди. Фракцияимизнинг ушбу ташаббуси Ҳукумат томонидан қўллаб-қувватланиб айна кундан контракт тўловларини бўлиб тўлаш тартиби жорий этилди.

Шу билан бирга, партия ва фракция ҳамкорлигида олиб борилган ўрганишлар давомида дорихоналарда сотилаётган таркиби ва хусусияти жиҳатидан бир хил бўлган хорижий ва маҳаллий дори воситаларни ўртасида катта тафовут борлиги ҳамда ўзимизнинг айрим маҳаллий маҳсулотлар чет давлатларникидан 10-15 барабор қиммат сотилаётганлиги юзасидан Бош прокуратура ҳамда Рақобат қўмитасига қилинган депутатлик сўровлари ҳам назоратга олинди, дорихоналарда сотилаётган ай-

рим дори воситаларининг нархларининг асосиз равишда оширилишининг олди олинди.

Булар, юқорида таъкидлаб ўтганимдай, “Адолат”чилар ўтган беш йил давомида амалиётга тадбиқ этган ишларнинг бир қисми, холос.

– Робохон Анваровна, шу ўриндан бир савол туғилади. Айтинг-чи, шахсан Сиз ўзингиз ўтган давр мобайнида партия томонидан амалга оширилган иш ёки лойиҳаларнинг қайси бири халққа энг кўп нафди тегди, жамиятда мавжуд жиддий, огриқли муаммоларни ҳал эта олди, деб ҳисоблайсиз?

– Агар фақат биттасини алоҳида айтиш лозим бўлса, мен, шубҳасиз, йиллар давомида кўпчилигини қийнаб келган “прописка” тизи-

мига нисбатан муносабатимизни айтган бўлардим.

Айнан “Адолат” партиясининг Сайловдаги дастуридан келиб чиққан ҳолдаги савол-жавоблари, тақлифлари натижасида “прописка” тизимига янги алоҳида амалга оширилган келиб чиқиб, доимий яшаш жойини ўзи белгилаш ҳуқуқини таъминловчи ҳуқуқий асосни бошқичма-бошқич такомиллаштириб бериш йўналишида бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинишига эришилди. Натижада Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида кўчмас мулкка эга бўлиш учун бу ҳудудларда доимий рўйхатда бўлиш талаби бекор бўлди.

Хусусан, яқинда Қонунчилик палатасида “Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтиши ва турар жойи бўйича хабардор қилиш тартиби тўғрисида”ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинди. Уйлайманки, бундай амалиёт фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш ва кафолатлаш йўлида катта қадам бўлди.

Бевосита партия лойиҳаларига тўхталадиган бўлсам, ҳеч иккилангисиз айтиши мумкинки, бугун партияимизнинг ҳар бир лойиҳаси халқчил ва натижадорлиги сабаб жамоатчилик кўнглидан жой олиб улгурган.

Жумладан, партиянинг “Бор меҳримиз сенга, болажон” широри остида олиб борилаётган беғараз донолик лойиҳасини ҳеч иккилангисиз партия лойиҳаларининг локомотиви, дейиш мумкин. Айнаванай тарзда бир йилда уч мартта, 1 июнь – “Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунини” ҳамда 3 декабрь – “Халқаро ногиронлар кунини” ва 8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун арафасида ташкил этиб келинаётган ушбу лойиҳа халқимиз кўнглидан илиқ жой эгаллаб улгурган.

Лойиҳадан кўзланган асосий мақсад – тиббий-ижтимоий кўмакка муҳтож болаларни қўллаб-қувватлаш, бемор болаларнинг ҳаётини сақлаб қолиш, шунингдек, жамиятда инсонпарварлик ва меҳр-оқибат гоёларини тарғиб қилишдан иборат.

Акция доирасида ўтган 5 йилликда республика бўйича жами 20 423 нафар кўнглиллар иштирок этиб, бемор болажонлар учун 7740 литр қон топширилди. Ушбу тўпланган донолик қонларидан минглаб қонга муҳтож болажонлар ҳаётини сақлаб қолиш учун фойдаланилди.

– Бугун асосан партиянинг 2020-2024 йилларга оид Сайловдаги дастури ҳақида гаплашяп-

миз. Мавзуни бир савол билан давом эттирсак. Робохон Анваровна, партиянинг дастурида белгиланган, бироқ амалга ошмай қолган режа ва мақсадлар ҳақида нима дея оласиз? Уларнинг келгуси тақдирини қандай бўлади? Жавоннинг қуйи ғаладонида ташлаб қўйилганими ёки...

– Тан олиб айтиш керак, афсуски, Сайловдаги дастуриимизда белгиланган баъзи бир тақлиф-гоёларимиз тўлиқ амалга қолди. Хусусан, партияимиз ўз дастурида дориларнинг ягона электрон базасини шакллантиришни ва унда барча дориларнинг номи, нархи, ишлаб чиқарувчиси ва савдога чиқарувчиси, чет элдан келтирилган дори-дармонлар учун эса импорт қилувчининг маълумотларини кўрсатадиган электрон тизимни татбиқ қилиш тақлифини илгари сурганди.

Бугунги кунгача ушбу йўналишда партияимиз томонидан қўллаб амалий ишлар қилинди ва бир қатор ўрганишлар ўтказилди, танқидий чиқишлар қилинди. Аммо ҳозирда дориларнинг ягона электрон базасини шакллантириш ва унда барча дориларнинг номи, нархи, ишлаб чиқарувчиси ва савдога чиқарувчиси, чет элдан келтирилган дори-дармонлар учун эса импорт қилувчининг маълумотларини кўрсатадиган электрон тизимни татбиқ қилиш масаласи тўлиқ амалга оширилган эмас.

Ва табиийки, мазкур позицияимизда қатъий қолган ҳолда мазкур долзарб масалани янги Сайловдаги дастуриимизда ҳам акс эттирмамиз. Биз дориларнинг ягона электрон базасини шакллантириш ва мамлакат бўйлаб яхлит электрон тизимни жорий қилиш ташаббусини илгари сураяпмиз. Зеро, бизда “жавоннинг қуйи ғаладони”га ташлаб қўйилган масала йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас!

– Сиз сиёсий партиялар раҳбарлари орасида ягона етакчи аёлсиз. Шу нуқтага назардан, партия фаолиятида хотин-қизлар, гендер тенглик масалаларига қай даражада аҳамият қаратаёپсиз?

Умуман, партия 2020-2024 йиллар оралиғида хотин-қизларнинг жаҳият ва давлат ҳаётидаги обрўини ошириш, аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтириш ҳамда оила институтини мустаҳкамлашга қаратилган қандай муҳим ишларни амалга оширди?

– Бугунги кунда партияимиз аъзолари 1 миллион 100 минг нафардан ортиқни ташкил этаётган бўлса, улардан 52 фоизи хотин-қизлардир. Партияимизнинг Олий Маж-

Фракция йиғилиши

ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги “Адолат” СДП фракцияси йиғилишида “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига рақамли далиллар билан ишлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

Ушбу қонун лойиҳаси билан Ўзбекистон Республикасининг бир қатор кодексларига рақамли далилларни тўлаш, тақдим этиш, мустаҳкамлаш, қўздан кечиритиш, текшириш ҳамда рақамли далилларни баҳолаш, сақлаш, қайтариш ҳамда йўқ қилиш тартибини белгиловчи ўзгариш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Шунингдек, “Нотариат тўғрисида”ги, “Ҳакамлик судлари тўғрисида”ги ва “Суд экспертизаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунларида рақамли далилларни қўлдан олиш ва уларни текшириш назарда тутилган.

Қизгин муҳокамалар ва савол-жавобларга бой ўтган йиғилишда қо-

нун лойиҳаси юзасидан депутатлар томонидан партия позициясидан келиб чиқадиган фракция тақлифлари ва муносабати билдирилди.

Ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши фуқаролар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтиришга хизмат қилади.

Йиғилишда кўриб чиқилган навбатдаги ҳужжат – “Ер қаъри тўғрисида”ги қонун лойиҳаси бўлди.

Қонун лойиҳаси билан ер қаъридан фойдаланиш ҳуқуқи учун рухсатномаларни бериш, ҳисоботларни қабул қилиш ва бошқа соҳадаги давлат хизматларини кўрсатиш жараёнла-

рида “ягона дарча” принципи жорий этилмоқда. Шунингдек, ер қаъридан барқарор фойдаланиш тамойили киритилиб, оқилона ишлаш талаблари ер қаъридан фойдаланувчиларнинг мажбурияти сифатида белгиланмоқда.

Шу билан бирга, халқаро амалиётга мос равишда “кадастр майдони” тушунчаси киритилмоқда. Қолаверса, экология ва атроф-муҳитни келгусида кафолатли асраш мақсадида ер қаъридан фойдаланишда экологик хавфсизликни таъминлашнинг қоидалари назарда тутилмоқда.

Муҳокамалар давомида фракция аъзолари қонун лойиҳаси юзасидан бир қатор саволларни ўртага ташлашди. Қонун ташаббускорлари ушбу масала юзасидан атофлича тушунтиришлар бериб ўтди.

Депутатлар қонун лойиҳасининг қабул қилиниши ер ости бойликларини масъулият билан геологик жиҳатдан ўрганиш ва улардан фойдаланиш, замонавий ишлаб чиқариш қувватларини ишга солиш, барқарор



янги иш ўринларини яратиш ҳамда ташқи бозорларда рақобатбардорликни оширишга хизмат қилишини эътиборга олиб, уни маъқулладилар. Йиғилишда фракция фаолиятига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

АЁЛЛАР КЎПАЙИШИ ТАРАФДОРИМАН

лис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоларининг 62 фоизи, партиямиз аъзоси бўлган сенаторларнинг эса 33 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Охириги 4 йилда фракциямизнинг аёл аъзолари қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида 27 та қонун лойиҳасига ташаббускор бўлишди.

Жумладан, парламентдаги бир гуруҳ аёл депутатларимиз томонидан “Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқибли, Сайлов кодексининг 70- ва 91-моддаларига сиёсий партиялар томонидан депутатликка номзодлар кўрсатилаётганда аёллар сонининг энг кам миқдорини номзодлар умумий сонининг 30 фоизидан 40 фоизга ошириш тақлиф этилди. Ушбу тақлиф инобатга олиниб, Сайлов кодексига тегишли ўзгаришлар киритилди. Бу эса, ўз навбатида, партиямизнинг хотин-қизларга бўлган муносабати ва энг муҳими, ишончи юқори эканлигидан далолат беради.

Яна шуни ҳам айтиб ўтишим жоизки, “Адолат” СДП асосий ғояларини рўйбга чиқаришда хотин-қизлар иштирокини муҳим деб ҳисоблайдиган партиядир. Партиямиз Сайловдаги дастурида жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида хотин-қизлар фаоллиги ва ролини ошириш, гендер тенглигига эришиш, хотин-қизларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, иқтидорли ҳамда юқори малакали хотин-қизларни давлат бошқаруви ва сиёсатга фаол жалб этиш, аёллар ва болаларга нисбатан зўравонликнинг олдини олишда фаол иштирокчи бўлишни ўзининг асосий вазифаларидан бири сифатида белгилган.

Шу мақсадда, партиямизнинг “Адолатчи аёллар” қаноти томонидан бир қатор самарали лойиҳалар амалга ошириб келинмоқда. Хусусан, биргина “Бир адолатчи – юз аёлга ҳимоячи” лойиҳаси доирасида партиямизнинг барча даражадаги депутатлик корпуслари, партия фаоллари, “Адолатчи аёллар” қаноти томонидан “маҳаллабай” ва “фуқаробай” ишлаш усули ва 300 га яқин юзма-юз мулоқотлар, учрашувлар ва давра суҳбатлари олиб борилиб, уларда 234 045 нафар иштирокчи қамраб олинди.

Юқорида қайд этилган мулоқотлар ва тадбирлар натижасида оилаларда хотин-қизларни таълик ва зўравонликдан ҳимоя қилиш мақсадида 579 нафар аёлга партия кўмагида “Ҳимоя ордери”лари олиб берилди.

Агар ушбу йўналишда амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилсак, партиямиз томонидан қилмоқчи натижаларга эришилганини

қўриш қийин эмас. Қолаверса, келгусида ҳам хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш масаласида партиямизнинг бир қатор долзарб ғоялари, ташаббуслари бор.

Хусусан, биз янги Сайловдаги дастурида мазкур йўналишда амалга оширилаётган ишларимизни тизимлаштирган ҳолда зўравонликка учраган аёлларга ҳуқуқий кўмак кўрсатиш бўйича махсус электрон платформа яратиш ташаббусини илгари сурамиз. Шу билан бирга, биз ижро ҳокимияти тизимида аёлларнинг ўрнини ошириш мақсадида раҳбарлик лавозимларининг камидан 30 фоизи аёллар бўлишига оид қоида киритишни тақлиф қиламиз.

Саволингизга қўшимча сифатида шуни айтмоқчи эдимки, мен ўзим сиёсий кучлар сафида раҳбар аёллар кўпайиши тарафдориман.

– Раҳмат. Биз ҳам бу фикрга қўшилишимиз, албатта. Бугунги кунда жамиятда юзга келаётган ижтимоий муаммоларга нисбатан сиёсий партияларнинг муносабатлари сустдек кўринмоқда. Айтинг-чи, сизнингча, ушбу ҳолатларга қандай омиллар сабаб бўлмоқда?

– Фикрингизни ҳурмат қиламан, аммо унга қўшилмайман. Сиз, эҳтимол, бизнинг фаолиятимиз ҳақида тўлиқ маълумотга эга эмасдиз. Бошқа партияларни билмадим-у, лекин “Адолат” партияси бугунги кунда жамиятдаги долзарб, аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётган масалаларда тезкор муносабатлар билдириб келмоқда.

Аҳамиятлиси, биз мазкур муносабатларда нафақат мавжуд муаммо ва вазият юзасидан партиямиз позициясини билдираяпмиз, балки уларни самарали ечишга қаратилган аниқ таҳлил ва асосларга эга тақлифларимизни ҳам илгари сураяпмиз ва яқунда натижага ҳам эришиб келаяпмиз.

Биласизки, сўнгги йилларда давлат мулки ҳисобланган умумий фойдаланишдаги боғлар, сайилгоҳ, хиёбон ва дарахтзорлар ҳудудида бино-иншоотларни қуриш амалиёти кенгайиб бораётганлиги кўп йиллик дарахтларнинг кесилишига, атроф-муҳитнинг ифлосланишига, оқибатда аҳолининг ҳақли норозиликка сабаб бўлиб келаётган эди.

Мазкур муаммога партиямиз томонидан жиддий эътибор қаратилиб, бир қатор ҳудудларда ўрғаниш ишлари ўтказилди. Ўрғанишлар давомида республика бўйича 184 та истироҳат боғларида дарахтзор ҳудудлар камайтирилиб, 944 та бино-иншоот қурилгани, 18 та истироҳат боғида 91 та ноқонуний қурилма мавжуд эканлиги, 98 тасида 1248 та аттракционлар

ноқонуний ўрнатилгани аниқланди.

Аҳолининг яшаш ва дам олиши учун ноқулайлик туғдираётган ҳолатларни бартараф этиш ҳамда келгусида бу каби ноҳуш ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида партия ташаббуси билан “Аҳолининг маданий ҳордиқ ва дам олиш масканлари муҳофазаси кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Қонун лойиҳаси билан маданий ҳордиқ масканларини, уларнинг ерларини ҳамда ушбу ерлардаги бино-иншоотни хусусийлаштириш, қуриш ёки бошқача тарзда бегоналаштириш, шунингдек, чегараларини ўзгартириш, мавжуд бино-иншоотнинг қурилиш ости майдонини кенгайтириш қатъий таъқиқланмоқда.

– Юқоридаги жавобингиздан келиб чиқиб айтиш мумкинки, “Адолат” социал-демократик партиясининг айрим масалалардаги тақлифлари мавжуд амалиётни, айниқса, Ҳукумат позициясини ўзгартиришга сабаб бўлмоқда. Партия яна қайси масалаларда Ҳукумат позициясини тўлақонли қўллаб-қувватламайди?

– Тўғри таъкидладингиз, биз доимий равишда фуқароларимиз ҳамда партия электорати манфаатларидан келиб чиққан ҳолда Ҳукумат олдида жиддий масалалар кўйиб келамиз. Биласиз, таълим ва тиббиёт соҳалари социал-демократларнинг доимий диққат-эътибори марказида бўлиб келган масала саналади.

Шу боис, партия ўз лойиҳалари, депутатлик гуруҳлари ҳамда фракцияси аъзолари ёрдамида Мактабга эга мактаб таълими вазирлиги фаолиятини жиддий таҳлил қилиб боради. Айни вақтдаги ўрғанишларимиздан келиб чиқиб хулоса қилиш мумкинки, умумтаълим мактабларида таълим сифати қониқарли даражада эмас.

Буни мактаб битирувчиларининг ОТМларга кириш имтиҳонлари натижаларидан ҳам кўришимиз мумкин. Хусусан, ОТМларга 2024 йилги кириш имтиҳонларида абитуриентларнинг 46,9 фоизи ўтиш баллини, яъни 56,7 баллни тўпловмади.

Ўқитувчиларнинг ойликлари бугунги кунда сезиларли даражада кўтарилди, ойликларни янада ошириш бўйича чоралар кўрилмоқда. Шундай бўлсада, мактаб таълими сифати пастигича қолмоқда. Мактаблардаги таълим сифати пастиги сабабли ота-оналар ўз фарзандларини ортиқча маблағ сарфлаш эвазига ўқув марказларида, репетиторларда ўқитишга маж-

бу бўлмоқда. Бу эса ота-оналарнинг фарзандлари мактаб таълими билан ОТМларга ўқишга киролмасликлари бўйича ҳақли эътирозларга сабаб бўлмоқда.

Вазирлик жиддий чоралар кўрмапти. Биз вазирлик олдида давлат томонидан қўллаб-қувватлаётган яратилаётган, таълимлик ҳисобсиз маблағлар ажратилаётган бир пайтда нима учун натижа етарли эмас деган саволни қўймоқчимиз.

Биласиз, саломатлик посбонлари бўлган тиббиёт соҳаси ходимлари “Адолат” СДП электорати саналади. Партиянинг айнан тиббиёт соҳасига оид “Адолат – ҳавфсиз дори-дармон учун”, “Саломатлик йўлида бирлашайлик” ва “Фарзандлари соғлом юрт – қудратли бўлур!” каби лойиҳалари бор. Ушбу лойиҳалар доирасида партия бир қатор ўрганишлар ўтказиб келмоқда. Афсуски, ўрганишларимиз бугунги кунда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан аҳолига қулай бўлган тиббий хизмат кўрсатиш, дори воситалари савдосини назорат қилиш борасида етарли даражада иш олиб бормаётганлигини кўрсатмоқда.

Хусусан, Ўзбекистонда тиббиёт соҳасини рақамлаштириш тўғрисида бир неча йилдан буён бот-бот таъкидлаб келинишига қарамастан ушбу йўналишда маъсул Соғлиқни сақлаш вазирлиги сезиларли ўзгаришларни амалга оширолмади.

Тиббий карталар электрон шаклга келтирилмади, рецептлар ҳали ҳам қоғоз шаклида ёзиб берилмоқда. Ваҳолатинки, “Ақлли тиббиёт”нинг асосини беморнинг амбулатор картаси, касалликлар тарихи киритилган электрон маълумотлар базаси ташкил қилади.

Ачинарлиси, сўнгги икки йилда тиббиёт соҳасини рақамлаштиришга бюджетдан 90 миллиард сўм йўналтирилган бўлсада, натижалар қутилганидек бўлмапти. Врачлар ва фармацевтика компанияларининг келишувини айтмасам ҳам бўлади. Биз келгуси беш йилликда вазирлик фаолиятини тубдан такомиллаштириш, хусусан, соғлиқни сақлаш тизимини тўлиқ рақамлаштириш, “электрон поликлиника” ва “ягона электрон анкета” тизимларини йўлга қўйиш ҳамда фармацевтика ва тиббиёт ҳодимлари орасидаги яширин келишув ва ноқонуний мулоқот учун жиноий жавобгарлик белгилаш борасида бир қатор муҳим чора-тадбирларни амалга ошираемиз.

Шунингдек, бугунги кунда дорихоналарда сотилаётган айрим дори воситаларининг нархи қимматлиги фуқароларимизнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда. Аксарият дорихоналарда сотиладиган таркиби ва хусусияти жиҳат-

дан бир хил бўлган дори воситаларининг нархлари ўртасида катта тафовут бор. Яъни **номланиши, ишлаб чиқарувчиси бир хил бўлган дори икки-уч хил** нархларда сотилмоқда.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳам, Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги ҳам дори воситаларининг айланмасини тўғри ташкил этиш ҳамда уларнинг сифатини назорат қилиш тизимини яратма олмади. Мисол учун, агар ушбу соҳа мутасаддилари яхши ишлаганда “Dok-1 Max” дори воситаси истеъмолидан 68 нафар бола ҳалок бўлмаган бўлар эди.

Бу каби муаммоларни тизимли равишда ҳал этиш зарур. Хатоларку тузатилар, аммо инсонларнинг бой берилган ҳаётини, саломатлигини тиклаб бўлмайдим.

– Шу ўринда фуқароларимиз учун яна бир муҳим бўлган масала – аҳоли учун электр энергиясига 200 кВт ижтимоий норма жорий этилганлигига партиянинг муносабати қандай?

– Маълумки, сиёсий майдонда ўзини “сўл марказ” позициясида намоён этиб келаётган “Адолат” социал-демократик партияси социал-демократия мафқурасига содиқ қолган ҳолда иқтисодий эркинликни тан олишда давлат иштирокини сақлаб қолиш, ижтимоий тенглик, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти тарафдори бўлиб келган.

Шу боис биз, жамиятда амалга оширилаётган ҳар қандай ислохотларда ижтимоий тенгликка амал қилиш, ижтимоий норма масаласида ҳам адолатли бўлиш, иссиқ ва совуқ кунларда инсонларнинг яшаш шароитларини ҳисобга олиши керак, деб ҳисоблаймиз. Яъни, ижтимоий реестрдаги кам таъминланган аҳолини қўллаб-қувватлаш масаласини қайта кўриб чиқиш лозим.

Албатта, ҳеч ким ишлаб чиқарилган товарини ўзининг таннаридан кам сотмайди. Бу жараёнда эса, **ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти** талабларини қўллаб-қувватлаймиз.

– Нима деб ўйлайсиз, жорий йилда ўтадиган сайловда “Адолат”га қайси партия асосий рақиб бўлади?

– Биласизми, сиёсий майдондаги ўрнимиз ва бўлажак сайловлар учун ишлаб чиқилган стратегиямиз бизни мақсадларимизга эришиш учун ҳар томонлама самарали ҳаракат қилишга ундайди. Шу сабабли, биз диққатимизни қайсидир рақибга қаратган ҳолда ўз имкониятларимизни чеклаш ўрнига, барча саъй-ҳаракатларимизни

ҳалққа хизмат қилишга қаратганимиз муҳимроқ, деб ҳисоблаймиз. Биз учун энг муҳим вазифа – фуқароларимиз ишончини оқлаш ва уларнинг фаровонлигини оширишдир. Айни вақтда сайловда қатнашаётган ҳар бир партия бизга рақиб эканлигини яхши англаймиз.

– Сайлов жараёнлари қизгин паллага кирмоқда. Сиз билан бўлаётган суҳбатимиз асосида қисқа саволларимиз ҳам бор эди: **Асли фарғоналик экансиз, аскияни тушунасизми?**

– Ҳа, тушунаман. Ахир мана шундай муҳит таъсирида катта бўлганман.

– Қанақа овқатни хуш кўрасиз?

– Миллий таомларимизни.

– Уйда ким хўжайин?

– Уйимизда турмуш ўртоғим билан барча масалаларда ҳамжихат, ҳамфикр бўлишга ҳаракат қиламиз.

– Иш кунини ёқадими ёки шанба-якшанба?

– Иш ҳам, дам олиш ҳам ўз вақтида бўлгани яхши.

– “Дом”ми, ҳовли?

– Меҳр-мурувват кўргони мустаҳкам бўлса, қаерда яшаш масаласи иккинчи даражада.

– Қанақа машинада юришни яхши кўрасиз?

– Машинада юришни ҳашамат эмас, эҳтиёж сифатида баҳолайман. Ҳаракат вақтидаги қулайлиги муҳим, деб ўйлайман.

– Қайси рангни ёқтирасиз?

– Кўк ранени.

– Феъл-атворингизни қандай таърифлайсиз?

– Янгиликларни, ташаббусларни доимо қўллаб-қувватлайман. Иложи борича вазиятга ҳақиқий баҳо беришга ҳаракат қиламан.

– Сиз арбобсиз. Сизга хушомад қилишса ёқтирасизми?

– Айнан шундай тоифага нисбатан муросасиз кайфиятдаман.

– Қайта яшаш имконияти туғилса, яна ҳуқуқшунос бўлармидингиз?

– Албатта!

Тақлиф

БИТИРУВЧИ УЧУН кафолатланган биринчи иш жойи керак

Айни кунларда сиёсий партиялар ўзининг келгуси беш йилликда амалга оширадиган ишларини белгилаб олмоқда. Сайловдаги дастурида кўзда тутилаётган вазифалар бевосита жамият ривожини ва мавжуд муаммоларни ҳал этишга қаратилгани билан аҳамиятли. Шу маънода Ўзбекистон “Адолат” СДП қандай ғояларни илгари сузмоқда?

“Адолатчилар”нинг жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватланаётган тақлифлари эътиборли. Биринчи навбатда, 2019 йилда қабул қилинган партия Сайловдаги дастурида белгилаб, бироқ бажарилмай қолган айрим вазифалар қайта ижрога қаратилаётгани ўринли. Ўз ўрнида бугунги кун талабидан келиб чиқиб, ечимини кутаётган муаммолар илгари сурилмоқда.

Ёшлар сиёсати оддимизда турган долзарб вазифалардан. Уларнинг билим олиши, касб-хунар эгаллаши ва иқтидорларини юзга чиқариш ҳамма вақт фаолиятимиз асосини ташкил этади. Бу борада сезиларли ишлар олиб борилмоқда. Бироқ муаммолар ҳам йўқ эмас. Биргина олий ва профессионал таълим муассасалари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш мас-

ласини олиб кўрайлик. Қўлида дипломи билан иш қидириб юрган йигит-қизлар йўқ дейсизми? Айрим иш берувчилар бўш иш ўрни бўлишига қарамай ёш кадрларга эшик очмаётгани ҳам сир эмас. Тўғри, кейинги йилларда мамакатимизда таълим тизимини тубдан ўзгартириш, уни халқаро стандартларга интеграциялаш, меҳнат бозори талабига мос юқори малакали мута-



Мадаминжон МАДАЗИМОВ,
«Адолат» СДП Андижон вилояти
кенгаши раиси

хассис кадрлар тайёрлаш бўйича изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Малакали кадрлар тайёрлаш ва битирувчиларнинг бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилапти.

Ёшларнинг олий таълим олишига катта шароитлар яратиб берилаётгани туфайли олий таълим муассасалари сони 2,5 баробарга ортиб, 200 тага етди. Олий таълимда рақо-

батни қўллаб-қувватлаш ва хусусий секторни жалб қилиш орқали қатор хорижий ҳамда нодавлат олийгоҳлар ташкил этилди. Натижада ҳар йили 200 мингдан зиёд ёшлар олий таълим муассасаларини тугатиб, меҳнат бозорига кириб келяпти. Уларнинг бандлигини таъминлаш, мутахассислигини ҳамда келиб чиқиб иш ўринлари яратиш устувор вазифаларимиздан биридир.

Кўпчилик талабалар иқти-

содиётнинг расмий секторидан ўқишдан ташқари иш билан банд. Талабаларга иш топишлари учун қулай имконият яратиш мақсадида таълим муассасаларида “Карьера марказ”лари фаолиятини йўлга қўйилди. Ушбу марказлар томонидан талабалар бандлигини таъминлаш, мутахассислигини ҳамда келиб чиқиб иш ўринлари яратиш устувор вазифаларимиздан биридир. Шунга қарамай, бу борада ҳали олдимида қатор вазифалар турибди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, биз “Кафолатланган биринчи иш жойи” лойиҳасини ишлаб чиқишни тақлиф қиламиз. Олийгоҳни тамомлаган битирувчи иш масаласида қийналмаслиги лозим. Бунинг учун олийгоҳ ва иш берувчи ҳамкорликда ишлаш мақсада мувофиқ. Талабаларни ишга жойлаштиришга ихтисослашган ва барча учун қулай бўлган, бандлигини таъминлаш бўйича аниқ тартиблар ва ҳуқуқий асосларга эга, талабалар жойлашиши мумкин бўлган бўш иш ўринлари тўғрисидаги маълумотлар базаси (ягона платформа) йўқлиги уларни иш билан таъминлашга салбий таъсир кўрсатмоқда. Иш берувчинин олий таълим битирувчисини ишга олганлиги учун рағбатлантириш механизмин ҳам ишлаб чиқиш зарур. Бу, айни вақтда, иш берувчининг ёш кадрларга қизиқишини оширади. Асосийси, йигит-қизлар ўз иш жойига эга бўладилар.

ФАОЛИЯТ САРҲИСОБ ҚИЛИНДИ ВА ИСТИҚБОЛЛИ РЕЖАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

ХУДУДЛАРДА ПАРТИЯ КЕНГАШЛАРИНИНГ ҲИСОБОТ-САЙЛОВ КОНФЕРЕНЦИЯЛАРИ БЎЛИБ ЎТДИ

Айни кунларда “Адолат” СДПнинг ҳудудий кенгашларида бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов конференциялари нафақат партия кундалик ҳаётидаги аҳамиятли воқеа, балки халқимизнинг эҳтиёжлари, истак ва орзулари билан боғланган ўзаро мулоқот жараёни сифатида намойён бўлди. Шу билан биргаликда, бундай тадбирлар партиянинг келгуси беш йиллик фаолиятини самарали ташкил қилишда таянч сиёсий платформа вазифасини бажаради.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

Нукус шаҳридаги Бердак номи Қорақалпоқ давлат университетида “Адолат” СДП Қорақалпоғистон Республикаси Кенгашининг XI ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди. Унда ҳудудий кенгаш аъзолари, туман ва шаҳар кенгашларидан сайланган делегатлар, партия фаоллари, депутатлар, ёшлар ва ОАВ вакиллари иштирок этди.

Конференцияда Қорақалпоғистон Республикаси Кенгашининг ҳисобот-сайлов комиссияси раиси Тафтиш комиссиясининг 2020-2024 йилларда амалга оширган ишлари, Жўқорғи Кенгесдаги

партия депутатлик фракцияси фаолияти буйича ҳисоботлар тингланди. Шунингдек, янги Сайловолди дастур лойиҳаси муҳокама қилиниб, “Адолат” СДП Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши раиси ҳамда “Адолат” СДП XII Қурултойига делегатларни сайлаш каби ташкилий масалалар кўриб чиқилди.

Конференцияда ижобий ишлар билан бир қаторда йўл қўйилган камчиликларга ҳам эътибор қаратилди. Жумладан, ўтган сайловларда партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши атиги 5 нафар депутатлик ўрнига эга бўлган. Шу нукта назардан сессия йиғилишларига му-

аммоларни олиб чиқиш, доимий комиссияларга масала киритиш, мансабдор шахсларнинг эшитувлари талаб даражасида олиб борилмади. Шунингдек, фуқароларнинг муаммолари буйича тегишли ташкилотларга чиқарилган депутатлик сўровлари ва уларнинг ижро кўрсаткичи ҳам паст экани танқидий муҳокама этилди.

– Конференция давомида қорақалпоғистонлик “адолатчилар” фаоллигини кучайтириш, сайловда муносиб ўрни эгаллаш, шунингдек, кўпроқ аҳоли билан мулоқот қилишга доир масалаларни кўриб чиқдик, – дейди партиянинг Элликқалъа туман кенгаши раиси Уринбой Каримов. – Ҳақиқатан ҳам, беш йил ичида амалга оширилган ишларнинг салмоғи катта. Айниқса, халқимизга ҳафтанинг чоршанба кунини ўтказиладиган “Муаммо билан юзма-юз” лойиҳамиз маъқул келмоқда. Сабаби, биз шу кун сайловчилар билан учрашиб, муаммоларини ҳал қилишга эътибор беряпмиз.

Йиғилиш якунида “Адолат” СДПнинг XII Қурултойига делегатлар сайланди.



ТОШКЕНТ ШАҲРИ. Тошкент давлат педиярия тиббиёт институтининг “Беш йилликдаги фаолият сарҳисоби ва истиқболли режалар муҳокамаси” мавзусида “Адолат” СДП Тошкент шаҳар кенгашининг XII ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди.

Партиянинг шаҳар кенгаши ходимлари, маҳаллий кенгашлар депутатлари, туманлардан сайланган делегатлар иштирок этган ҳисобот-сайлов конференциясида ўтган беш йилликдаги фаолият ҳисоботлари танқидий таҳлил этилиб, истиқболдаги вазифалар белгилаб олинди.

– 2020-2024 йиллар давомида Тошкент шаҳридаги маҳаллаларда 15 мингдан ортқ хонадон ва 900 га яқин хўжалик юритувчи субъектларда ўрганишлар ўтказилган, – дейди “Адолат” СДП Тошкент шаҳар кенгаши матбуот котиби Мафтуна Ёдгорова. – Аҳоли томонидан келиб тушган 4 мингга яқин мурожаатлар юзасидан 1 минг 500 дан ортқ депутатлик сўровлари юборилиб, кўтарилган муаммоларини қарийб 75 фоизи ижобий ҳал этилган.

Конференция сўнггида кун тартибидан кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.



ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

“Адолат” СДП Тошкент вилоят кенгашининг Нурафшон шаҳрида бўлиб ўтган XII ҳисобот-сайлов конференциясида партия ходимлари, депутатлар, делегатлар, фаоллар иштирок этди.

Конференцияда “Адолат” СДП Тошкент вилоят кенгаши 2019-2024 йиллардаги Сайловолди дастури ижросини таъминлашдаги фаолиятида эришилган ютуқлар ва йўл қўйилган камчиликлар иштирокчиларнинг диққат эътиборида бўлди.

Кун тартибига жорий йил 27 октябрда бўлиб ўтадиган Парламент ва маҳаллий Кенгашлар сайловига ҳозирдан тайёргарлик кўриб бориш, истиқболли кадрлар захирасини яратиб, уларни вакиллик ва ижро органларидаги масъул лавозимларга тавсия этиш масалалари кўрилди.

Шу билан бирга, сайловларда муносиб иштирок этиш учун олдинги сайлов кампанияларини чуқур танқидий таҳлил этиш ва бошқа сиёсий партиялар салоҳиятини ўрганиб чиқиш зарур эканлиги алоҳида таъкидланди.

– Жорий йилда мамлакатимиз сиёсий партиялар олдига улкан ва масъулиятли ташкилий-партиявий вазифалар турибди, – дейди “Адолат” СДП Тошкент вилоят кенгаши раиси ўринбосари Умид Файзуллаев. – Яъни, олдинда барча даражадаги вакиллик органларига сайловлар жараёни кўтмоқда. Ушбу йирик тадбир партиядан барча кучларни сафарбар этиш, ишнинг мукамил ташкиллаштириш, партия кадрлари ва фаолларининг мақсадли ҳамда собитлик билан фаолият кўрсатишини талаб қилади.

Кун тартибидан масалалар буйича ҳудудий партия раиси, депутатлик гуруҳи раҳбарлари, назорат тафтиш комиссияси, ижроия кўмитаси аъзоларининг ҳисоботлари тингланди. Шунингдек, партиянинг навбатдаги қурултойида иштирок этиш учун делегатлар сайланди.

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ

Қашқадарё технология транспорт бошқармасида “Адолат” СДП вилоят кенгашининг XI ҳисобот-сайлов конференцияси депутатлар, вилоят кенгаши аъзолари, туман ҳамда шаҳар кенгашлари раислари, фаоллар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида ўтказилди.

Конференцияни партия вилоят кенгаши раиси Руиддин Рауфов очиб, ўтган йиллар мобайнида амалга оширилган ишлар таҳлилига эътибор қаратди ва вилоятдаги партия тузилмалари томонидан сермахсул фаолият юритилганини эътироф этди.

– Ўтган давр мобайнида депутатларимиз томонидан аҳоли муаммоларини ўрганиш, камчиликларга ўз вақтида ечим топиш борасида анчагина ишлар қилинди, – дейди Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Муҳаббат Шаронова. – Масалан, гуруҳимиз аъзолари томонидан ўтган йилда ўрганишларда аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессиясига 11 та масала киритилди. Жорий йилнинг ўтган даври ичида эса 15 та масала киритилган муваффақият бўлди. Туман-шаҳар кенгашларида депутатлик гуруҳларимиз ҳам 2023 йилда 10 та, жорий йилда эса 35 та масалани сессиялар муҳокамасига қўйиб, мавжуд муаммоларни ҳал қилиш юзасидан кенгашларнинг тегишли қарорларини қабул қилинишига эришилди.

Музокараларда сўзга чиққан партиянинг Аёллар қаноти фаоли, ҳуқуқшунос Дилрабо Чориева, тиббиёт соҳаси вакили Зебо Муродова, Миришкор туман кенгаши раиси Тўлқин Хидиров ва бошқалар партиянинг ўтган сайловлар оралиғидаги фаолиятини қониқарли баҳолашди.

Конференцияда Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси Сиёсий Кенгашининг XII Қурултойига делегатлар сайлаш тўғрисидаги масала ҳам катнашчилар олдиға қўйилди. Партия фаолиятида ўз ўрнига эга, халқ иши, Ватан равнақи учун ташаббускор ва сиёсий жараёнда масъулият билан иш олиб борувчи, маънавий, ахлоқий жиҳатдан етуқ, халқ орасида обрў-эътибор қозongan 17 нафар муносиб номзодга овоз берилди.



СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ

“Адолат” СДП Сирдарё вилоят кенгашининг навбатдаги XII конференцияси вилоят Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорка ер эгалари кенгаши мажлислар залида бўлиб ўтди. Конференцияда халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгаши ҳамда маҳаллий кенгашлар депутатлари, партиянинг туман-шаҳар кенгашлари раислари, “Аёллар қаноти” ва “Ёшлар қаноти” аъзолари, партия фаоллари ва ОАВ вакиллари иштирок этди.

Конференцияни партиянинг вилоят кенгаши раиси Жамол Комилов қириш сўзи билан очиб, Сирдарё вилоят кенгашининг 2020-2024 йиллардаги фаолияти юзасидан ҳисобот берди.

Конференция кун тартибига 8 та масала доирасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайловларда партиянинг муносиб иштирокини таъминлаш борасида сирдарёлик “адолатчи”ларнинг ташкилий ва сиёсий

вазифалари муҳокама қилинди.

– 2020-2024 йилларда Сирдарё вилоят кенгаши, туман ва шаҳар кенгашлари депутатлари томонидан 88 та масала сессияга, 109 та муаммо доимий комиссияга киритилган ва мансабдор шахсларнинг 92 та эшитув амалга оширилган, – дейди халқ депутатлари Сирдарё вилоят Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари Салоҳиддин Элмуродов. – Ўтган 5 йил давомида 1 минг 203 та депутатлик сўрови чиқарилган, шундан 284 таси вилоят кенгаши депутатлари ҳиссасига тўғри келади.

Кун тартибидан “Адолат” социал-демократик партияси XII Қурултойига делегатлар сайлаш тўғрисидаги масала юзасидан вилоят кенгаши раиси Ж.Комилов вилоятда депутатликка муносиб номзодлар танланганини таъкидлади ва уларнинг рўйхатини ўқиб эшиттирди.

Конференция сўнггида кун тартибидан масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди ва партиянинг XII Қурултойига делегатлар сайланди.

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ

Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Хоразм вилоят филиалида “Адолат” СДП Хоразм вилоят кенгашининг VII ҳисобот-сайлов конференцияси ўтказилди.

Хоразм вилоят кенгаши томонидан ўтган даврда амалга оширилган ишлар, маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳлар фаолияти, жорий сайловлар олдидан қўрилаётган чора-тадбирлар, янги Сайловолди дастури муҳокамаси ва ташкилий масалалар конференция кун тартибидан ўрин олди.

Анжуманда ижобий ишлар билан бир қаторда йўл қўйилган хато ва камчиликларга ҳам эътибор қаратилди. Жумладан, Урганч шаҳар Бекатли темир йўл шифонаси, Урганч туман Ободонлаштириш бошқармаси, АЖ “O'zbekinvest” Ҳазорасп туман филиали ва бошқа бир қатор тузилмалардаги бошланғич партия ташкилотларининг фаолияти танқидий таҳлил қилинди. Конференция иштирокчилари томонидан йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш ҳамда сайловларда бошланғич партия ташкилотлари фаолигини оширишга қаратилган фикр ва мулоҳазалар билдирилди.

– Бўлиб ўтган конференция ҳамкасбларим қатори меннинг ҳам зиммамаа улкан масъулият юклатди, – дейди “Адолат” СДП Тупроққалъа туман кенгаши раиси Отахон Абдуллаев. – Партия фаолиятида эришилган ютуқлар билан бир қаторда камчиликлар ҳам муҳокама этилди. Жумладан, мансабдор шахслар эшитув, доимий комиссиялар муҳокамасига киритилган масалалар, вилоят, шаҳар, туман кенгашлари сессия йиғилишларига муаммолари ва долзарб бўлган масалаларни киритиш кўрсаткичини талаб даражасига олиб чиқиш илгари сурилди.

Конференция давомида “Адолат” СДП XII Қурултойига сайланган делегатлар зиммасига партия вилоят кенгаши номидан фаол иштирок этиш масъулияти юклатилди.

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ

Фарғона вилояти Адлия бошқармаси мажлислар залида “Адолат” СДП Фарғона вилоят кенгашининг XI ҳисобот-сайлов конференцияси фарғоналик “адолатчилар” учун партиянинг халқ орасида танилувчанлигини ва нуфузини ошириш борасида тажриба алмашиш имконини берди.

Конференцияда вилоят кенгаши раиси Шаҳноза Ғаниеванинг партиянинг 2019 йилги Сайловолди дастури ижросини таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисоботи танқидий ва таҳлилий руҳда муҳокама қилинди.

Қайд этиш жоизки, вилоят кенгаши ўтган давр мобайнида шаҳар, туман партия ташкилотларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, партия аъзолари сафини кенгайтириш, бошланғич партия ташкилотлари ишини кучайтириш, кадрлар захирасини мустаҳкамлаш, партия фаолларининг сиёсий билимлари ва фаоллигини оширишга алоҳида эътибор қаратиб келди. Бунинг натижасида, сўнгги йиллар давомида партия аъзоларининг ўсишида яхши натижага эришилди.

– Партиянинг “Бир ойда бир иш ўрни” лойиҳаси доирасида “Адолат” СДП Фарғона вилояти кенгаши томонидан 231 нафар фуқаро ишга жойлаштирилди, – дейди вилоят кенгаши матбуот котиби Гулчехра Аҳмедова. – Сўнги 5 йил ичида депутатларимиз ва депутатлик гуруҳларимиз томонидан мансабдор шахсларга 1492 нафар депутат сўрови чиқарилди, 386 мартаба мансабдор шахс эшитув тингланди, 54 мартаба доимий комиссияларга, 56 мартаба Кенгаш сессияларининг кун тартибига аҳолининг манфаатларидан келиб чиқиб, турли масалалар олиб кирилди.

Музокарада сўзга чиққан партия фаоллари “Адолат” СДП Фарғона вилоят кенгашининг ўтган 5 йилдаги фаолиятини таҳлил этган ҳолда, уни қониқарли, деб баҳолашди. Шунингдек, партиянинг Сайловолди дастури лойиҳаси муҳокамасига қаратилган давра суҳбатларининг самарали кечгани, илгари сурилган го ва ташаббуслар халқнинг эътиборига сазовор бўлганлигини қайд этди.

Партия вилоят кенгашининг XI ҳисобот-сайлов конференцияси якунида XII Қурултойига делегатлар сайланди.





ЖАДИД, ДИПЛОМАТ Акбар Урозалиев

Маълумки, 2024 йил 19 июлда “Сиёсий қатагон қурбони бўлган юртдошларимиз ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш, тарғиб этиш ҳамда уларнинг хотирасини абадийлаштириш борасидаги ишларни кенгайтириш тўғрисида”ги муҳим қарор қабул қилинди. Қарорга қўра, сиёсий қатагон қурбони бўлган юртдошларимизнинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш ҳамда уларнинг хотирасини абадийлаштириш ишларини мувофиқлаштириш бўйича Республика комиссияси ташкил этилди ва унинг вазифалари бирма-бир кўрсатиб ўтилди. Ҳар бир қатагон қурбонининг ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш, уларни номма-ном аниқлаш, тарихий хизматлари ҳақидаги маълумотларни, архив ва музейлар, кутубхоналар ва турли фондларда сақланаётган ҳужжатларни тўплаш ва тадқиқ этиш, оммалаштириш учун ишчи гуруҳлар фаолиятини ташкил этиш каби қатор вазифалар кўйилди.

Рустамбек ШАМСУТДИНОВ,
Бобур номидаги Андижон давлат университети профессори,
“Қатагон қурбонлари хотираси” музейи директори

Мазкур қарордан кўплар қатори Бобур номидаги Андижон давлат университети тузилмасидаги “Қатагон қурбонлари хотираси музейи” жамоаси беҳад руҳланиб, Ўзбекистонда, жумладан, Андижонда мустақил совет даврида қатагон қилинган ҳақида маълумот берамиз. Ушбу мақолада эса қатагон қурбонларидан бири Акбар Урозалиев тақдирини ҳақиқат билан кўриб чиқилган ва тегишли қарорлар қабул қилинган. Уша 1923 йилнинг май ойи охирида СССР Қуролли кучлар бош қўмондониди, Ҳарбий революцион совет раиси Сергей Каменев Андижонга келган. Асака билан Андижон ўртасида С.Каменев поездида босмачилик ҳужуми бўлади. А.Урозалиев бутун гарнизонни, милиция қисми отрядларини кўтариб, уларни тор-мор этишга сафарбар қилади, шахсан ўзи масъулиятли операцияда иштирок этади.

ортидан ўз юртига кела бошлаши туфайли маҳаллий аҳолининг инқилобий ҳаракати кенг қулоч ёзади. Акбар Урозалиев маҳаллий миллат меҳнаткашларининг Мусулмон советининг ташкилотчиси, раҳбари бўлади. Жадидларнинг “Нажот” газетаси 21 май сонидан: “**Андижон. 11 май кунини мардикорлар ўз ватанларига соғ-саломат етиб келдилар, сўнгга улар қувонқ кайфиятда қўллариди байроқлар билан шаҳарни айланиб чиққанлар. А.Урозалиев раҳбарлигида мардикорлар намойиши ва митинглар ўтказишган**”. “Знамя свободы” ўлка газетаси эса шундай ёзган: “**Бугун 14 июнь кунини соат 3 да Андижон шаҳрининг иккинчи қисмида ҳаракатдаги армиядаги мардикорчилик ишларидан қайтиб келган 900 га яқин ишчи-мусулмонларнинг Олимжонхожи заводида бўлган йиғинида бир овоздан мусулмон ишчилари Совети ҳайъати сайланган, шундан 13 киши мусулмон ва 2 киши европалик руслар бўлган**”.

Эндигина 27 баҳорни кўрган А.Урозалиев шу совет ҳайъати раиси бўлиб сайланди. Бу совет бойларга, буржуазияга, рухониятга ва уларнинг ташкилотларига қарши кураш олиб бориб, омманинг сиёсий жиҳатдан чинқишига эришди. 1917 йил 17 июнда А.Урозалиев раислигида ўтган йиғилишда мулкдор синфлар манфаатини ҳимоя қилаётган турли хил жамаият ва ташкилотларни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган. У эски маъмуриятни тугатиш, хокимиятнинг янги органларини сайлаш, меҳнат ахлининг сиёсий ҳуқуқларини ҳимоя этишни талаб қилди.

1918-1919 йиллари Андижонда социалист-революционерлар, социал-демократлар, меншевиклар, “Дашнакцуттон” ва РСДРП(б) гуруҳлари асосий фаолиятда бўлган. Улар ўртасида ўткир кураш кетган. Улардан энг хавфлиси сўл эсерлар бўлиб, унинг раҳбари Мария Николаевна Орда номли аёл бўлган. Шундай мураккаб вазиятда 1918 йил 19 декабрда Акбар Урозалиев большевиклар партияси сафига кирди. Тез орада у уезд-шаҳар совети раиси ўринбосари, инқилобий трибунал аъзоси бўлиб фаолият кўрсатган. 1918 йилдан РКП(б) аъзоси. 1917 йилдан сўнг у совет, партия ва ҳўжалик органларида турли лавозимларда ишлаган, ишчи, солдат ва



Акбар Урозалиев
СССРнинг
Қашғардаги элчиси

деҳқонлар депутатлари совети раиси ўринбосари, Қўқон шаҳрида совет халқ ҳўжалиги раёсати аъзоси, Ўш ва Андижон уездларида революцион комитет раиси, Қўқон шаҳрида область ревком раиси ўринбосари вазифаларида хизмат қилган. 1922 йили Туркистон АССР Марказий ижроия комитети аъзоси бўлган. 1925 йил РКП(б) Марказий Комитети Урта Осиё бюроси тавсияси билан Ғарбий Хитой, яъни Қошғарга СССРнинг бош консули бўлиб тайинланади ва 1927 йилгача фаолият кўрсатади.

1928 йил октябрда Фарғона область банки бошқарувчиси, кейин Андижонда Манжара номидаги артель раҳбари бўлиб ишлаган. 1935 йил 10-11 сентябрда Акбар Урозалиев 3 йил қамоқ жазосига ва 3 йил давомида сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинишига ҳўкм қилинган. У Сирдарё области Мирзачўл районидидаги “Малик” совхозни жойлашган меҳнат посёлкасида сургун қилинган. Маҳбўс Акбар Урозалиев 1937-1938 йиллардаги “Катта террор” қурбони бўлган.

Қўлимизда айбланувчи Акбар Урозалиевнинг 1937 йил 18 ноябрдаги тергов баённомаси. НКВД терговчисининг “Қачон ва нима учун сиз қамоққа ҳўкм этилдингиз?” деган саволига Акбар Урозалиев: “**1935 йили НКВД органлари томонидан Андижон шаҳрида қамоққа олиндим ва 1936 йили мен аксилнқилобий тарғиботим учун 3 йил қамоқ жазосига ҳўкм этилдим**”, деб жавоб беради. Тергов органларининг оператив маълумотлари бўйича Акбар Урозалиев “Малик” совхозни 4-булимида маҳбўслар орасида тизимли тарзда аксилнқилобий тарғибот олиб борган. РКП(б)га қарши аксилнқилобий бўҳтонлар билдирган, халқ душманларини мақтаган.

Япония ва унинг ҳарбий қудрати, Босқинчилик сиёсатини мақтаган. Айни вақтда қизил армияга қарши аксилнқилобий бўҳтонлар ёғдириш учун 3 йил қамоқ жазосига маҳрум қилинган. Урозалиевнинг қўпуровчи аксилнқилобий фаолияти туфайли 4-сонли бригада ишлаб чиқариш режасини доимий равишда бажармаган. У ЎзССР Жиноят кодексининг 66-, 21-моддалари бўйича айбланиб, “Малик” совхозида суд қилинган.

1937 йил 21 ноябрда ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги ҳўзуридидаги йиғилишда Акбар Урозалиев “Миллий иттиҳод” миллатчи аксилнқилобий тарғиботнинг собиқ фаол аъзоси сифатида айбланган. 1935 йили аксилнқилобий фаолияти учун 3 йил қамоқ жазосига тортилган Акбар Урозалиев жазо муддатини ўтаётганда маҳбўслар орасида аксилнқилобий тарғибот олиб борган, лагерда меҳнат интизомини издан чиқаришга қаратилган фаолият кўрсатган, маҳбўсларни ишга чиқмасликка маҳбўс. Унинг аксилнқилобий фаолияти натижасида ишдан бўйин товланганлар сафи кўпайиб борган... НКВД “учлиги” Акбар Урозалиевни отувга ҳўкм қилишга қарор қилган. Унга тегишли мулк мусодара қилиниб, ҳўкм дарҳол ижро этилган. Шунда у эндигина 47 ёшга кирган эди.

КПСС XX съезидан кейин “Катта террор” даврида сиёсий қатагон қилинганлар, улар қаторида Акбар Урозалиев ҳам оқланган. Узи туғилиб ўсган Андижон шаҳри қўчаларидан бири Акбар Урозалиев номи билан аталган. Андижонда ҳўзиргача Акбар Урозалиев ва унинг ўғли марҳум Санжарбек Урозалиевнинг оила аъзолари яшаган уй сақланиб қолган. Унда Акбар Урозалиевнинг набираси Санжарбек Урозалиевнинг қизи Уфороҳон оила аъзолари билан яшамоқда.

Давлатимиз мустақилликка эришганига 33 йил тўлмоқда. Тарих учун қисқа давр Ўзбекистонимизни дунёга танитди, жаҳон майдонида ўз ўрнини топишига имкон берди. Сана-сак, эришилган ютуқлар жуда салмоқли.

УЛУҒ аждодларимиз фахримиз, ғуруримиз

Шу ўринда савол туғилади: биз бундай ютуқларга қандай эришдик? Унинг замирида тарихимиз, буюк боболаримиз меҳнати мужасам эмасми? Чиндан ҳам шундай. Шу сабаб Ватанимизнинг миллий истиқлоли, халқимиз озодлиги учун курашиб, жон фидо этган, сиёсий қатагон қурбонлари бўлган юртдошларимизнинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш, уларнинг хотирасини абадийлаштириш бугун олдимизда турган долзарб вазифалардан биридир. Шу маънода, давлатимиз раҳбарининг 2024 йил 19 июлдаги “Сиёсий қатагон қурбони бўлган юртдошларимиз ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш, тарғиб этиш ҳамда уларнинг хотирасини абадийлаштириш борасидаги ишларни кенгайтириш тўғрисида”ги қарори тарихий аҳамиятга эга бўлди.

Мазкур қарор, аввало, мустақиллигимизни янада мустаҳкамлашга қаратилган. Тарихимизнинг номаълум саҳифаларини тиклаш ва чуқур ўрганиш, инсон, унинг ҳўқуқ ва эркинликларини олий қадрият сифатида эътироф этиш, шу асосда юртдошларимиз, айниқса, ёш авлоднинг Ватан тақдирини ва келажагини дахлдорлик туйғуси, фуқаролик позициясини кучайтириш мақсад қилиб қўйилган. Қолаверса, келажагимиз эгаларини бугунги тинч, эркин ва озод ҳаётнинг қадрига етиш руҳида тарбиялаш масаласи ҳам илгари сурилган.

Халқимизнинг мустақилликка эришиш йўлидаги мардона курашини ўрганиб бориш ҳеч қачон ўз долзарблигини йўқотмайди. Бу йўлда сиёсий қатагонга учраган юртдошларимизнинг ҳаёти ва фаолияти биз учун ибрат мактаби бўлиши керак. Тўғри, маълум вақт уларга эътиборсизлик қилинди, бошқача баҳо берилди. Шукрки, энди ҳаммаси ўз изига тушмоқда. Қатагон қурбонлари хотираси давлат музейи ва унинг ҳўдулардаги бўлимлари бугунги авлоднинг тарихимизга бўлган ҳўрматини оширапти.

Қарорда кўрсатиб ўтилганидек, “1937–1953 йилларда мустақил тузум томонидан 100 мингдан зиёд халқимиз вакиллари қатагон сиёсатининг қурбони бўлган. Бу юртдошларимизнинг 13 минг нафари отиб ташланган, минглаб кишилар ноҳақ қўлоқ қилинган, сургунларга жўнатилган. Улар орасида атоқли давлат ва сиёсат арбоблари, илм-фан намояндлари, ижодкор зиёлилар, диний уламолар, ҳарбий соҳа ва суд-ҳўқуқ тизими ҳўдимлари, ишчи-деҳқонлар ва уларнинг оила аъзолари бўлган”.

Қатагон қурбонлари, жумладан, жадидчилик ҳаракати намояндларининг ибратли ҳаёти ва фаолиятини халқимиз, айниқса, ёшлар орасида кенг тарғиб этиш мақсадга мувофиқдир. Бу ўз ўрнида тарихимизни ўрганиш ва аждодларимиз хотирасига бўлган ҳўрматимиз ифодаси бўлади. Зеро, улар бизнинг фахримиз, ғуруримиздир.

“Адолат” СДП Андижон вилояти кенгаши матбуот хизмати

Barcha tadbirkorlik subyektlari diqqatiga! O‘zbekiston “Adolat” sotsial-demokratik partiyasi quyidagi mezonlar asosida partiya Ustavi, saylovoldi dasturi va 5-yillik faoliyati yuzasidan qo‘llanmani nashr etish bo‘yicha TANLOV E‘LON QILADI:

№	Nashr etiladigan materiallar nomi	Soni
1	O‘zbekiston “Adolat” sotsial-demokratik partiyasi faoliyati yuzasidan “Qurultoydan – qurultoygacha” qo‘llanmasi. Qo‘llanma 32 varaq, 4+4 rangli, 84x108 1/16 bichimda, muqovasi: 4+4 o‘lchamdagi 200 gr silliq (melovannaya) qog‘oz, ichki varaqlari: 130 gr silliq (melovannaya) qog‘ozda, skoba bilan mustahkamlangan	1000 dona
2	O‘zbekiston “Adolat” sotsial-demokratik partiyasi Ustavi. Ustav 48 varaq, 1+1 rangli, 84x108 1/32 bichimda, muqovasi: 4+4 o‘lchamdagi 200 gr silliq (melovannaya) qog‘oz, ichki varaqlari: 80 gr ofset qog‘ozda, skoba bilan mustahkamlangan	5000 dona
3	O‘zbekiston “Adolat” sotsial-demokratik partiyasi Saylovoldi dasturi (jurnal). Saylovoldi dasturi 64 varaq, 4+4 rangli, 84+108 1/16 bichimda, muqovasi: 4+4 o‘lchamdagi 200 gr silliq (melovannaya) qog‘oz, ichki varaqlari: 130 gr silliq (melovannaya) qog‘ozda, skoba bilan mustahkamlangan	5000 dona
4	O‘zbekiston “Adolat” sotsial-demokratik partiyasi Saylovoldi dasturi (jurnal). Saylovoldi dasturi 44 varaq, 4+4 rangli, 84+108 1/16 bichimda, muqovasi: 4+4 o‘lchamdagi 250 gr silliq (melovannaya) qog‘oz, ichki varaqlari: 130 gr silliq (melovannaya) qog‘ozda, termokley bilan mustahkamlangan	20 000 dona

* mazkur materiallarni tayyorlashda muharrir, musahhiih xizmatini o‘z ichiga olinishi shart!

Eslatma! Jadvalda ko‘rsatilgan mahsulotlar uchun tanlov joriy yilning 6-sentyabr kuni soat 11:00 da partiyangiz Markaziy apparati binosida bo‘lib o‘tadi.

Tanlovda birinchi navbatda mahsulotning sifati, dizayni, narxi va yetkazib berish muddati inobatga olinadi.

Tijorat takliflarida moddiy boyliklarni ishlab chiqarishning eng qisqa muddatlari ko‘rsatilishi shart. Sifati talabga mos kelmagan va sifati komissiyasi qabul qilmagan mahsulotlar uchun hamda dizayn xizmati uchun (mazkur tanlov g‘olibidan tashqari) pul to‘lanmaydi.

Tanlovda ishtirok etishni istagan tadbirkorlar tijorat takliflarini “Adolat” SDP Markaziy apparati binosida joylashgan tanlov komissiyasiga joriy yilning 5-sentyabr kuni soat 18:00 gacha tanlovda ishtirok etish istagini bildirgan xat bilan tijoriy taklifni muhrlangan konvertlarda topshirilishi shart.

Moliyalashtirish manbai: byudjetdan tashqari mablag‘lar, kelgusida mablag‘larning sarflanishi bo‘yicha Hisob palatasining tekshiruvchi bo‘lib o‘tishi belgilangan.

Buyurtmachi tomonidan tayyorlanadigan materiallar soni va o‘lchami o‘zgarishi mumkin! Tanlov vaqtida quyidagi da‘vogarlangan tanlov komissiyasi tomonidan takliflari ko‘rib chiqilmaydi va ishtirok etishlariga yo‘l qoyilmaydi.

- qayta tashkil etish, tugatilishi yoki bankrotlik bosqichida bo‘lgan;

- barcha zarur hujjatlarni belgilangan muddatda taqdim etmagan;

- ilgari tuzilgan shartnoma (bitim)lar bo‘yicha qabul qilingan majburiyatlarni zarur darajada bajarmagan;

- tanlov e‘lon qilinganiga qadar ta‘sis etilganiga 6 oy bo‘lmagan;

- buyurtmachi bilan sud yoki hakamlik muhokamasida ishi ko‘rib chiqilyotgan.

Eslatma! Tijorat takliflari bilan birga tadbirkorlik subyekting davlat ro‘yxatiga olinganligi haqidagi litsenziya yoki guvohnomalari rahbar tomonidan tasdiqlanib, muhrlangan konvertga solingan yopiq holatda, tadbirkorlik subyekting yuridik manzili, telefon raqamlari ko‘rsatilib, “Adolat” SDP Markaziy apparatiga taqdim etilishi shart. Tijorat takliflari konvertga solinib muhrlangan yopiq holatda taqdim etilmasa litsenziya yoki guvohnomalari tadbirkorlik subyekti rahbari tomonidan tasdiqlanmasdan shuningdek, tadbirkorlik subyekting yuridik manzili, telefon raqamlari ko‘rsatilgan holda taqdim etilgan tijorat takliflari tanlov komissiyasiga kiritilmaydi.

Muqaddam sifatsiz mahsulotlarni yetkazib bergan va shartnomada belgilangan majburiyatlarni bajarmaganligi oqibatida “Buyurtmachi”larda yomon taassurot qoldirgan tadbirkorlar tanlov komissiyasiga kiritilmaydi.

Murojaat uchun: (71) 288 42 08 (111), (93) 202 14 04, (91) 265 93 96.



ДИЁРИМИЗ ДОВРУҒИНИ ДУНЁГА ТАРАТГАН ЧЕМПИОНЛАР!

XXXIII ёзги Олимпия ўйинлари золиб ва совриндорлари тақдирланди

Сўнгги вақтларда она-Ватанимиз турли соҳалар ривожига улкан зафарларга эришиб, жаҳонда ўзининг муносиб ўрнини тобора мустаҳкамлаб бормоқда. Бу юксалишлар фақат иқтисодийда, маданиятда ёки ижтимоий ҳаётда намоён бўлибгина қолмай, юртимиз байроғини юксакларга кўтариб, халқимиз шаънини ҳимоя қилаётган азиз спортчиларимиз ютуқлари тимсолида жаҳон спорт майдонларида ҳам яққол кўзга ташланмоқда.

**Робохон МАХМУДОВА,
Ўзбекистон "Адолат" СДП
Сиёсий Кенгаши раиси**

Сўзимнинг аввалида бежиз бу ҳақда гапирмадим. Хабарингиз бор, "Париж-2024" ёзги олимпия ўйинларида Янги Ўзбекистон доврўғини дунёга танитган, юртимиз байроғининг дунё спортдаги энг юксак – Олимп чўққисидан ҳилпирашига сабаб бўлган иқтидорли спортчиларимиз муваффақиятидан қалбимизда чексиз ғурур, шодлик ва ифтихор туйғуси қайта-қайта мавжланган эди. Боиси ҳар бир медал, ҳар бир муваффақият бу – шунчаки индивидуал ютук эмас, балки халқимизда миллий ҳамжиҳатлик ва бирлик руҳини жонлантирган улкан ғалаба сифатида тарихга кирди. Ўзбек шони, ғурури дунёга қайта юз очди.

Маълумот ўрнида айтганда, жаҳоннинг 206 та давлатидан 11 минг нафарга яқин энг кучли спортчилар қатнашган олимпия ўйинларида мамлакатимиз биринчи марта энг кўп таркиби, яъни 19 та спорт тури бўйича 90 нафар спортчи билан иштирок этди. Шиддатли бахслар мобайнида 8 та олтин, 2 та кумуш, 3 та бронза медалга сазовор бўлганимиз, боксчиларимизнинг 5 та олтин медалга эга чиққани мисли қурилмаган оламшумул ютук сифатида дунё ҳамжамияти томонидан эътироф этилди. Шунинг ҳам алоҳида қайд этиш жоизки, мамлакатимиз делегациясининг шу пайтгача энг яхши натижаси "Рио-2016"да бўлган, унда 4 та олтин, 2 та кумуш, 7 та бронза медал қўлга киритилган. "Париж-2024"да тарихий натижа янгилибди, Ўзбекистон 206 та мамлакат орасида 13 та медал билан 13-ўринни эгаллади. Битта олимпиядада саккизта олтин медални қўлга киритган Ўзбекистон спортчилари бу жабҳада Осиё қитъасида 4-ўринни, туркий ва ислом мамлакатлари ҳамда Мустақил Давлат

лар Ҳамдўстлиги бўйича 1-ўринни эгаллади. Бу юксак натижа давлатимиз мустақиллигининг 33 йиллиги арафасида, 33-ёзги Олимпия ўйинларида қўлга киритилгани жасоратли ва матонатли спортчиларимизнинг Истиқлол байрамига муносиб совғаси бўлди.

Дарҳақиқат, спорт фақат жасорат ва куч синовидан иборат кураш жараёни эмас, балки миллат нуфузи, мамлакатда соҳани ривожлантиришга қаратилган эътибор, спортчи-ёшлар қобилияти ва иқтидорини жаҳон ареналарида намоён қилишнинг муҳим имконияти ҳамдир. Мана шундай улғувор ютуқларга эришимиз, халқаро спорт майдонларида юртимиз номини муносиб ҳимоя қилиш, миллатимиз шон-шухратини бутун дунёга танитиш шарофли бурч, албатта. Шундан келиб чиқиб айтсак, бу борада мардларча курашган, ҳаётини спортга бағишлаган фарзандларимизнинг юксак номида давлат мукофотлари билан тақдирланиши биз учун ҳам чексиз ифтихор бўлди. Чунки бу мукофотлар фақатгина шахсий меҳнат, сабр ва матонатнинг эътирофига эмас, балки она-Ватанимизнинг ўз қаҳрамонларига бўлган эҳтирими, меҳр-муҳаббатнинг ҳам ифодасидир.

Қадрли спортчилар!
Сизларнинг Париж-2024 ёзги олимпия ўйинларида қўлга киритган ғалабаларингиз олийжаноб ва ватанпарвар халқимиз учун буюк ифтихор манбаи бўлди. Сизлар мусобақа майдонларида юртимиз байроғини дунёнинг нуфузли давлатлари байроқлари билан ёнма-ён кўтариб, миллий ғуруримизни ҳам тоғдек юксалтирдигиниз. Демак, ушбу муваффақиятлар замирида ўзбек халқи ва давлатининг кучли иродаси, матонати ва буюк озурали ижобати бор.

Сизларнинг ҳар бирингиз Ўзбекистон номини, миллатимиз шаънини



дунёга танитишда улкан ҳисса қўшдингиз. Ҳар бирингизнинг ютуқларингиз орқасида йиллар давомида тўпланган тажриба, матонат, интизом ва энг асосийси, миллий ғурур мужассам. Сизлар нафақат спорт майдонларида, балки барча соҳаларда юртимиз ёшлари учун ўрнак, байроқдорсиз! Сизлар бизларнинг умидимиз ва ғуруримизсиз! Сизларнинг ғалабаларингиз барча ёшларимизни улғу мақсадлар сари илҳомлантиради!

Сўзимни қуйидаги статистика ҳам исботлайди. Бир эслаб кўринг-а, олимпия ўйинларида делегациямиз ҳисобига биринчи олтин медални ёзиб қўйган, дзюдо бўйича шонли ютуқларга эришишимизда илк пойкамани ташлаган Диёра Келдиёровага шохсупада олтин медал топирилган оқшомни катта тантанга қилгандик. Эътибор беринг, Диёра Келдиёрова 28 июль кунини Тошкент вақти билан 21:46 да ғалаба қозонган. 29 июль ва 12 август кунлари оралиғида мамлакатимизда жами 43 450 нафар, шундан 20 861 нафар қиз чақалоқ туғилиши қайд қилинган бўлиб, уларнинг 466 нафарига Диёра исми қўйилган. Бу 466 оила, 932 нафар ота-она, 932 нафар бобо-бувилар фарзандимиз, набирамиз Диёра Келдиёровага ўхшасин, деб қилган эзгу ниятдан далолатдир!

Бу бежизга эмас. Чунки Олимпия ўйинлари тарихида Диёра қизимиз ўз

бат оммавий ҳаракатга айланади. Энг муҳими, бу мақсад йўлида Диёранинг қўлга киритган Олимпия ўйинларидаги олтин медали илк дебоча вазифасини бажариб берди.

Бугун мамлакатимизда оммавий спорт ҳаракати, соғлом турмуш тарзи катта эътибор қаратилмоқда. Сизлар – ушбу ҳаракатнинг асосий юлдузлари, юртимизнинг байроғини дунё майдонларида кўтариб, спорт оламида юртимиз номини юксакларга олиб чиққан асл фидойиларсиз. Сизларнинг жасоратингиз ва машаққатли меҳнатингиз натижасида эришилган ютуқлар нафақат спорт майдонларида, балки юртимизнинг барча соҳаларида жиддий ўзгаришларга сабаб бўлаётганини кўриб турибмиз.

Шу ўринда таъкидлаб ўтмоқчиманки, Ўзбекистон "Адолат" СДП ҳам мамлакатда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, аҳоли, айниқса, ёшларнинг спорт билан шуғулланишини оммавий ҳаракатга айлантириш борасида муҳим ташаббус ва таклифлар

Айтинг, шундай улкан ютуқлардан фахрланмай бўладими?!

Олимп чўққисидан Ватанимиз байроғини мағрур ҳилпиратган ўғил-қизларимизга ҳавас қилмай бўладими? Шунинг учун ҳам бугун бутун Ўзбекистон халқи ўзининг чемпиони фарзандларидан ҳақли равишда фахрланиб, уларга ҳавас қилиб, туғилаётган фарзандларига яхши ният билан уларнинг исмларини қўйишмоқда!

Комил ишонч билан айта оламаники, эндиликда миллионлаб ватандошларимиз ўғил фарзандлари қатори қиз фарзандларини ҳам спорт машғулотларига жалб эта бошлайди, ўзбек қизлари ўртасида спортга муҳаб

Сизларнинг ҳар бирингиз Ўзбекистон номини, миллатимиз шаънини дунёга

танитишда улкан ҳисса қўшдингиз. Ҳар бирингизнинг ютуқларингиз орқасида йиллар давомида тўпланган тажриба, матонат, интизом, ва энг асосийси, миллий ғурур мужассам.

Сизлар нафақат спорт майдонларида, балки барча соҳаларда юртимиз ёшлари учун ўрнак, байроқдорсиз! Сизлар бизнинг умидимиз ва ғуруримизсиз!

Сизларнинг ғалабаларингиз барча ёшларимизни улғу мақсадлар сари илҳомлантиради!

ижодкорига айланишни мақсад қилган.

Болалар спорти ҳамда мусиқа ва санъат мактабларини сон ва сифат жиҳатдан янгилаш, ривожлантириш масалалари ҳам доимий эътиборимиз марказида бўлиб келган. Юқоридаги мақсадларимиз йўлида дадил ҳаракат қилиб, муҳим ва салмоқли ишлар ташаббускорига айланамиз. Шу мақсадда, янги Сайловолди дастуримизда **"Ёшларнинг соғлом қамол топиши ва спорт билан шуғулланишини оммалаштириш мақсадида ҳар бир маҳаллада болалар шуғулланган спорт майдонларини ташкил этиш"** гоёсини илгари сураганимиз.

Зеро, "Адолат" партияси оммавий спортни янада ривожлантириш тарафдоридир.

Шу фурсатдан фойдаланиб, халқимиз фаҳрига айланган Янги Ўзбекистоннинг умидли спортчиларини бугунги эътироф билан яна бир бор табриклайман! Қолаверса, миллатимиз куч-қурагини дунё миқёсида намоён этган, бу борада жонбозлик кўрсатган делегациямиз таркибидаги барча олимпия ўйинлари иштирокчиларига бир миллион нафардан ошқ партиядошларимизнинг чуқур миннатдорлигини билдираман. Аминманки, юртимиз спортчилари учун бу ғалаба нафақат бугуннинг ютуғига айланади, балки келажакда ҳам юксак марралар сари дадил қадам ташлашга мустаҳкам замин яратадир!



QR коди орқали газетанинг электрон вариантыни юклаб олинг!